

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halsuzi@uzpak.uz

2002 йил 12 ноябрь, №245 (3073)

Сешанба

МУСТАҚИЛ ВА ОДИЛ СИЁСАТ САМАРАСИ

Мустақиллик шарофати билан жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни кенгроқ таниб бошлади. Лекин сўнгги бир йил ичида дунё ахли Ўзбекистонни қайтадан кашф этди, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк даврдан бошлаб Президент Ислом Каримов жаҳоншумул муаммолар ҳақида бонг уриб келади. Мустақил Ўзбекистон номидан биринчи бор БМТнинг минбаридан нутқ сўзлаганида ҳам, эътибор, аввало, сиёсий, иқтисодий, экологик ҳавфсизлик масалаларига қаратилган эди. Бу — халқаро террорчилик, диний экстремизм, айирмачилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, Орол ҳалокати ва ҳоказо.

Очиқ эътироф этадиган бўлсак, жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатлар бу чакирқиларга аввалига унчалик эътибор бермади. Бу муаммоларга "маҳаллий ташвишлар" сифатида қаради. Ақсична, бу ерда кечяётган жараёнлар олдидан туриб танқид қилинган ҳоллар ҳам бўлди. Бунга жавоб ҳаминча битта эди. Ислом Каримов ташбири билан айтганда, юртин, юртин аҳволни шу заминда яшамай туриб, теран идрок этиш қийин. Бинобарин, четдан танқид қилиш ҳам ноқоғиз. Орадан муайян вақт ўтибгина, Ўзбекистоннинг, Марказий Осиёнинг муаммолари нечоғли катта миқдорда эканлиги аён бўлди.

Авалло, экология ҳақида. Орол ҳалокати туғдирган муаммоларнинг айримларига мурожаат этганимиз у ердан йилга 1 миллион тонна тўз ҳавога кўтарилади. Бундан ҳаво, дарёлар ва экин майдонлари зарар кўрган бир офат бўлса, музликлар эригани яна бир ҳол. Ҳеч бир денгиз бунчалик тез қуримган. Инсоният тарихида бунга монанд воқеани топиш амри маҳол. Демак, қуриётган деҳқон сув билан тўлдириб таърибаси ҳам йўқ. Бир йўл қолади — Оролбўйидаги экологик тангликка қарши кўпчилик бўлиб, ҳамкорликда курашни керак. Бу нималарда намоён бўлади? Одамларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, табиий ва санано инфратузунларини сақлаб қолиш, Оролга қуйишувчи дарёлар сувини тежаш учун ирригация ва мелиорацияни тақомиллаштириш зарур.

Албатта, Орол муаммоси умуман назардан четда қолгани йўқ. БМТ, Жаҳон банки каби ташкилотлар, Япония, қатор Ғарб давлатлари билан бу борада яхши ҳамкорлик мавжуд. Бироқ бу ҳамкорлик вазиёт талаб қилаётган даражада эмас.

Халқаро Оролни қўтариш жамғармасига аъзо мамлакатларнинг яқинда Душанбеда бўлиб ўтган саммитида минтақа давлатларининг сай-ҳаракати билан айна пайтада ривожланган дунё ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг мазкур муаммога эътибори кучайгани таъкидланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бу йил Европада ёз жуда серёғин келди. Кўп давлатларда одамлар ҳалок бўлди, иқтисодий жиқилди зарар кўрди. Айримлар бунинг изохласида сайёрамизни ҳароратининг ошиб бораётганини айтди. Бу ҳам тўғри. Лекин тўғри эмас. Таъкидланганидек, Оролниг тузлири музликларга тасир этди. Шу таъсир қанчалик эканини ҳам ўрганиб, тегишли чоралар кўриш мақсада мувофиқдир. Сайёрамиз ҳарорати жуда секин кўтариляпти, лекин Марказий Осиёда унинг сурияти бирмунча юқори. Демак, Оролдан ҳаво кўтариётган тўз миқдори ҳам ортисхи эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир сабаби сиёсий вазиётдан келиб чиққан, десак, хато бўлмайди. Халқаро ақсил-террор операцияси тўғрисида Марказий Осиёга бутун дунё нигоҳи қадалган. Бу эса нафақат террорчилик муаммоси, балки минтақанинг бошқа

ташвишларини ҳам яна бир қарра ёдга олиш имконини яратди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Марказий Осиёда ҳавфсизлик масалалари қаторида сув, хусусан, экология билан боғлиқ муаммоларни ҳам кенг шарҳламоқда. Душанбе саммитида қабул қилинган Декларацияда БМТнинг Оролбўйи муаммоларини ечишда қатнашаётган халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар сай-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи махсус комиссияси тузилиши зарурлиги таъкидланди. Бу таъкид яқин орада ақс-садо бериши аниқ. Масалан, минтақамиз мамлакатларининг сай-ҳаракатлари билан 2003 йил БМТ томонидан Чучук сув йили деб эълон қилинган.

Шу вақтда Орол муаммоси бўйича неки иш қилинган бўлса, барчасида Ўзбекистоннинг улуши жуда катта. Бу мамлакатимизнинг мустақил ташқи сиёсати ўзгармай келаятгани, бир неча йил аввал олдимизга қўйган мақсадларимиздан оғинмаганини, Президент Ислом Каримовнинг қатъиятини айтганда. Албатта, Орол учун ким, қайси мамлакат кўпроқ жон куйдири, деган баҳсдан йироқми, кўшни улаларнинг сай-ҳаракат ва ташаббусларини қадраймиз, лекин холисона айтганда, мамлакатимизнинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлаш керак. Шонир айтганидек, "ҳақиқатни ҳеч ҳолати бўлмаган пайтада ҳам яна бир бор таъкидлаб қўйиш зарар қилмайди".

(Давоми 2-бетда).



Маҳаллада ҳамма спортчи

Самарқандлик Мамажон Аҳмедов (суратда) оиласидагиларнинг барчаси спорт шайдоси: фарзандлари ҳам, неваралари ҳам. Ҳатто айтиши мумкинки, шаҳардаги "Оби машат" маҳалласидаги ёшлар ҳам унинг изидан боришмоқда. Негаки, у маҳалла оқсоқоли сифатида бу ерда спорт зали ташкил этган. Ҳоҳловчи ёшлар бу ерда бепул машғулот ўтказишади. Шунингдек, маҳалланинг ҳовасида спорт майдони ҳам бор. Болалар бунга вақтларида шу ерга келадилар ва спортнинг деярли барча турлари бўйича шуғулланишади. Маҳалла болаларининг орасидан чемпионлар, республика тарма жамоаси аъзолари етишиб чиққанлиги бежиз эмас.

— Республика Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда мазкур ҳужжат асосида Вазирам Маҳкамасининг қарори эълон қилинганлиги хуб яхши иш бўлди, — дейди итганеа бўйича спорт устаси Мамажон ака Аҳмедов. — Агар юқоридаги ҳужжатлар ҳаётга тула татбиқ этилса, нафақат чемпионларимиз кўпаяди, балки соғлом ва бақувват фарзандларимизнинг сон ортади. Фарзандлари бақувват юрт эса баркамол ва бой бўлади.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

НУРОТА МАРМАРИ УКРАИНАДА

Украинанинг Днепропетровск шаҳрида "Нуротамар" корхонасининг шўба корхонаси иш бошлади. Мазкур корхона Нуротада ишлаб чиқарилган қора ва оқ рангдаги мрамар плиталар, шлакбоқко, гишт ва бошқа қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланади. Ҳозиргача Украинага 1,5 минг квадрат метр мрамар плиталари экспорт қилинди. Жаҳондаги машҳур Италия ва Греция мрамаридан қилинмайдиган Нурота мрамарларига украинларнинг қизиқиши ортмоқда. Харидорлар билан йил охиригача 200 минг АҚШ доллари қийматида мрамар плиталар етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланди.

Корхона жамоаси Екатеринбург шаҳрида ҳам худди шундай шўба корхона очишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА МУХБИРИ.

Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида

Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Қонуқчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу мавзуга бағишланди. Унда бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилди.

Бугунги кунда оналар ва болаларга давлат томонидан кўрсатиб келинаётган ҳамхўрлик бўлиши қувонтиради. Конституциямиздан ўрин олган Оила бобида, Оила кодекси ва ўнлаб қонуларда мамлакатимизда оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари юксак даражада қароғланган. Қолаверса, мустақиллигимизнинг Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом аълол йили, Оналар ва болалар йилида қабул қилинган Давлат дастурларининг эш мўҳим тадбирлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди.

Моломкин шундай экан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси қандай бақарилаяпти? Оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимояси қандай Анжуманда сўзга чиққанлар ана шу саволлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Матлум бўлишича, бу борада мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилган. Жумладан, хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ўнлаб тўғри таъминланиб, оналарга болалар учун ижтимоий нафақалар бериш борилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга доир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳ.Султонов бир кунлик ташриф билан Туркменистонда бўлди. Ушбу сафар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон қўшма комиссияси амалга оширган ишлар якунига бағишланди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири билан Туркменистон ҳукумати раҳбарлари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Музокараларда коммунал-циялар ҳамда сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Учрашувлар якуни бўйича давлатлараро ҳужжатлар имзолангани йўқ.



Олий Мажлисда

Лекин анжуманда таъкидланганича, бу борада амалга ошириладиган ишлар айрим жойларда қонирқили эмас. Хусусан, туғини ёшдаги аёллар саломатлиги ва уларни соғломлаштириш бўйича Тошкент, Сирдарё каби вилоятларда амалга ошириладиган тадбирлар қўнғилдагидек деб бўлмайди. Шунингдек, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, ҳар бир фуқаро ёки соҳа вакили ўз ҳақ-ҳуқуқини билишга эришиш зарурлиги ўқтирилди.

Анжуман сўнгида кўрилган масалалар бўйича таъясилар берилди. Унда асосий эътибор оналик ва болалик ҳимоясини янада қучайтиришга қаратилди.

Ф. САНАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МУТАХАССИСЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Европа Иттифоқи комиссиясининг ТАСИС дастури доирасида Олий Мажлис амалга ошириётган "Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш" лойиҳаси томонидан Қонуқчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Европа экспортлари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонуқчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг мақоми тўғрисида"ги қонуқ лойиҳаси муҳокама этилди. Ингилишда Олий Мажлис депутатлари, Олий Мажлис девони, Олий Мажлис кузурияти Амалдори қонуқ ҳужжатлари мониторингинг институти, Олий суд, Адлия вазирлиги, Давлат ва жамият қурилиши академияси ходимлари, ҳуқуқшунос-олимлар, шунингдек, сиёсий партиялар ва нодавлат но-тикорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мутахассисларнинг ушбу учрашуви жорий йилнинг 21 октябрыда муҳокамага тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонуқчилик палатаси тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида"ги қонуқ лойиҳалари ҳуқуқий таъминоти тўғрисида Олий Мажлис ТАСИС дастурининг "Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш" лойиҳасини қабул қилиб олувчи асосий ҳоқимият ҳисобланади. Лойиҳа қатнашчилари уни амалга оширишда мамлакатимизда демократик туб ўзгаришлар соҳасидаги тадбирларни қўллаб-қувватлаш бўйича мўҳим ишларни бақарди ва бугунги парламентга тааллуқли асосий қонуқларни ишлаб чиқишда иштирок этди.

Бир неча ой давомида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонуқчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари мақоми тўғрисида" қонуқ лойиҳасини тайёрлашда жадал ишлар амалга оширилди. Олинда ушбу қонуқ лойиҳасини Ўзбекистонда бўлган олий қонуқчилик органининг ҳар икки палатаси бўйича ишлаб чиқилган қонуқ лойиҳаларига мослаштириш ишлари турибди.

Шунингдек, Ингилишда бўлажак парламентчилар ва Сенат аъзолари мақомининг барча жиҳатларига тааллуқли кенг қўлама масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Давра суҳбати иштирокчилар мўҳим концептуал ва муайян тақлифлар, таъясилар киритди. Ушбу тақлиф ва таъясилар ТАСИС дастурининг қайда этилган лойиҳаси доирасида ҳисобга олинди ва таъясиллар, лойиҳа бенефициарила тақомиллаштирилган ҳолда тақлиф этилади ҳамда Президент Ислом Каримов ташаббус билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Қонуқларини тайёрлаш бўйича давлат комиссиясига тақдим этилади.

Давра суҳбати қизғин ва ишчанлик руҳида ўтди, фаол фикр алмашилди. (ЎЗА).

«Зингер»нинг тикув машиналари

Германиядаги «Зингер» компанияси ўзининг энг замонавий тикув машиналари билан бунинг дунёга машҳур. Эндиликда улар ўқув машғулотларини олиб боришда ҳам қўл келмоқда.

«Зингер-Бернетта» русумли тикув машиналаридан 30 га яқини Тошкентдаги республика қурилиш ва миндлий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежига ўрнатилди. Шу боис, немис компанияси ушбу техникани намойиш этиш мақсадида республикамизда уюштирган семинарни

айнан мазкур комплекснинг ўқув негизида ташкил этди. Анжуман давомида тикув машиналарининг кенг имкониятлари компьютер дастурлари орқали намойиш қилинди.

Семинар тугагач, «Зингер» компанияси 20 дан ортқ компьютер дастурини билим юртига тортиқ этди. Бу дастурлар матолақа тул, зардақ босиш, чокларни беқирим тикитишда ўқувчилар томонидан кенг қўлланилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

Сўнгги хабарлар

Ақманғитнинг "сарик олтин"и

Нукус тумани шоникорлари давлатга 8260 тонна "сарик олтин" сотиб йиллик бақардилар. 3750 тонна ўрнига 4164 тонна сара шони уруғи жамғарилиди. Унинг асосий қисми эртапишар "Нукус-2" навидан олинди. Туман хирмонига "Керлер", "Шўртанбой" ширкат ҳўжайилари муносиб улүш қўшилди. 28 та "Класс" комбайни самарали ишлатилди.

— Туманимиз қишлоқ ҳўжаллиги уч йўналишда иш олиб боради, — дейди туман ҳоқими Б.Муртазоев. — Қорақалпоғистон пойтахтини бақавот ва мева билан таъминлашдан ташқари шони ҳамда бугдой етиштириш иқтисодиётимиз асосини белгилаб бермоқда!

Янгибой ҚУЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳуқуқатининг кичик ҳажмидаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган наватдаги грантлар бўйича шартнома имзоланди.

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Умумий қиймати 170 минг АҚШ долларидаган ошувчи янги грантлар Самарқанд шаҳри ва вилоятдаги бир неча мактабни ўқув қуруллари ва замонавий техника билан таъминлашга қаратилган. Эътиборли томони шундаки, ушбу жиҳозларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Хўжайиларга Япониянинг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элини Ақсо Қавато ҳамда грантга сазовор бўлган мактаблар директорлари имзо чекиди. (ЎЗА).

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун? Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи дастури

Агар сиз Обуна

- ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,
- икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишини истасангиз,
- дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,

«Халқ сўзи»га обунани расмий-лаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти (манзил парра):
<http://mtu.uzpak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағининг 0,1-1 фоизига ҳақ тўланади.
Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб бериши зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рабақлантириш пули берилмади.

Газетада босилмади, аммо...

«Янги кўрна»да сув бўлади

Жалақудўқ тумани «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкат ҳўжалигидаги Янги кўрна маҳалла аҳли тахриратимизга шикоят хати бўлган эди. Хатда икки йилдан буён ичимлик суви муаммога айлангани ва қўшни қишлоқлардан сув ташиб келтириш азоб бўлаётгани таъкидланганди. Биз хатни текшириш ва чора-тадбирлар кўриш учун туман ҳоқимлигига юборсан эдик. Мазкур хатга Жалақудўқ тумани ҳоқими М. ЭҒАМОВА илзоси билан қуйидагича расмий жавоб олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Янги кўрна маҳалласини сув билан таъминлайдиган артезиан қудуғи носоз ҳолга келган. Бироқ қудуқни таъмирлашнинг имкони бўлмади. Шу боис маҳалланинг юқори қисмидаги пахта қабул қилиш пункти ўрмида жойлашган ва ҳозирда фойдаланилмаётган артезиан қудуғини қайта ишлатиш масаласи ҳал этилди. Шу мақсадда зарур ускуналар, қуур ва электр кабелилар келтирилди. Ноябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб маҳалла аҳли ичимлик суви муаммосидан ҳалос бўлади».

Илҳом САҒАР,
ЎЗА МУХБИРИ.

МУСТАҚИЛ ВА ОДИЛ СИЁСАТ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сийёсий соҳада ҳам бемалол Узбекистоннинг оид ташқи сиёсати тўғрисида Марказий Осиё ва дундаги вазият кескин ўзгариб бормоқда. Президент Имом Каримовнинг қўллаб-қувватлашнинг эълон қилганидан кейин айрим мамлакатлардаги сиёсатчилар шовиш-кулагани сир эмас. Президентимизга яқин ва йироқдаги биз неча пойтахтлардан кўнгироклар бўлганини биламиз. У пайтда ҳали ақсилтерор коалициянинг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари бошланган эди. Айрим сиёсий доираларнинг норозисига уйнайдиган оммавий ахборот воситалари ваҳиди хабарлар тарқатишга тушибди. Кейин, террор ўқоқлари бирин-кетин барбод бўлиб, яқин истиқбол намойён бўлганда эса ҳайрақалдочлик бошланиб кетди.

Ақсилтерор коалицияси ташаббускори бўлган АҚШ Узбекистоннинг минтақадаги муҳим стратегик ўрнини илгари ҳам эътироф этган. Президентимизнинг дадил сўз-ҳаракатлари кейин мамлакатимиз билан ҳамкорликка шиттеки янада орди. Қисқа вақт оралиғида ҳукуват вакиллари, жумладан, давлат қотиби Қолин Пауэл ва муҳофа вазири Доналд Рамсфелд, кўплаб сенатор ва конгрессменлар юртимизга бир неча марта келиб кетди. Бу ташрифлар оиди даражадаги уршуфта тайёрлар ҳам эди. Оқ уй раҳбари Имом Каримовни АҚШга тақлиф этди. Вашингтонда шу йилнинг март ойида Узбекистон билан АҚШ ўртасида

Узбекистон йиллар давомида юритиб келётган сиёсатига соддиқлигини намойиш этди, холос. Ана шу қатъий нуфузидан инана охириди. Воқеалар ривож эса Имом Каримовнинг биринчи давлатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоримиз. Бу ҳаракатимизни амалда исботламоқдамиз.

Ғарбда Европа ва Шарқда Япония Тошкентнинг қадимларига юксак баҳо берди. Хусусан, Япония Бош вазири Хунайтиро Коидзуми ҳукуватимизнинг сиёсий қарорлари, Имом Каримовнинг яқин дўсти Иосиро Морини махсус элчи мақомида Узбекистонга юборди. У Бош вазир номидан Президент Имом Каримовни Японияга тақлиф қилгани, ҳукуват раҳбарларининг мақтубини топширгани келган эди.

Имом Каримов оиди ойнинг охирида Японияга ташриф бурди. Сафар асосида Узбекистон билан Япония ўртасида Дустилик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. АҚШ ислоҳоти ташқиқланган каби, Япония билан ҳам бундай ҳужжат тузган давлат жуда кам. Хулоса ҳам ўшандай.

Узбекистоннинг минтақадаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, ташаббускорлик жихатида алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Узбекистон йиллар давомида юритиб келётган сиёсатига соддиқлигини намойиш этди, холос. Ана шу қатъий нуфузидан инана охириди. Воқеалар ривож эса Имом Каримовнинг биринчи давлатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоримиз. Бу ҳаракатимизни амалда исботламоқдамиз.

Ғарбда Европа ва Шарқда Япония Тошкентнинг қадимларига юксак баҳо берди. Хусусан, Япония Бош вазири Хунайтиро Коидзуми ҳукуватимизнинг сиёсий қарорлари, Имом Каримовнинг яқин дўсти Иосиро Морини махсус элчи мақомида Узбекистонга юборди. У Бош вазир номидан Президент Имом Каримовни Японияга тақлиф қилгани, ҳукуват раҳбарларининг мақтубини топширгани келган эди.

Имом Каримов оиди ойнинг охирида Японияга ташриф бурди. Сафар асосида Узбекистон билан Япония ўртасида Дустилик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. АҚШ ислоҳоти ташқиқланган каби, Япония билан ҳам бундай ҳужжат тузган давлат жуда кам. Хулоса ҳам ўшандай.

Узбекистоннинг минтақадаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, ташаббускорлик жихатида алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Узбекистон йиллар давомида юритиб келётган сиёсатига соддиқлигини намойиш этди, холос. Ана шу қатъий нуфузидан инана охириди. Воқеалар ривож эса Имом Каримовнинг биринчи давлатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоримиз. Бу ҳаракатимизни амалда исботламоқдамиз.

Ғарбда Европа ва Шарқда Япония Тошкентнинг қадимларига юксак баҳо берди. Хусусан, Япония Бош вазири Хунайтиро Коидзуми ҳукуватимизнинг сиёсий қарорлари, Имом Каримовнинг яқин дўсти Иосиро Морини махсус элчи мақомида Узбекистонга юборди. У Бош вазир номидан Президент Имом Каримовни Японияга тақлиф қилгани, ҳукуват раҳбарларининг мақтубини топширгани келган эди.

Имом Каримов оиди ойнинг охирида Японияга ташриф бурди. Сафар асосида Узбекистон билан Япония ўртасида Дустилик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. АҚШ ислоҳоти ташқиқланган каби, Япония билан ҳам бундай ҳужжат тузган давлат жуда кам. Хулоса ҳам ўшандай.

Узбекистоннинг минтақадаги ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, ташаббускорлик жихатида алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Қишга тайёрсизми?

Ҳомийлар ишни пайсалга солмоқда

Сортепа - Самарқанд шахрининг энг кўп аҳоли яшайдиган мавзеларидан бири. Бу ерда қурилган турар жойларнинг барчаси кўп қаватлидир. Шу билан бирга, мактаблар, болалар боғчалари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг бинолари бор. Табиийки, уларнинг ҳаммасига иссиқлик, электр энергияси, газ, сув керак. Айниқса, киш кунларида коммунал хизмат алоҳида аҳамият касб этади.

Мана, яна қорлиқровли кунлар яқинлашмоқда. Хўш, бу мавсумга Самарқанд шахрида тайёрлик қандай? Мутасаддиқ идоралар буттур йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқаришдими?

— Биз 15 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатамиз,— дейди «Самандар» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ҳикматилла Исмаилов. — Ҳозиргача вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бююртмасига асосан, «Суфат-ИД» масъулияти чекланган жамоати жамоаси томонидан битта уйнинг томи таъмирланди. Режага кўра, 1 октябрга қадар ана шу бирлашма маблағи ҳисобига иккита уй тўлиқ таъмирланиши керак эди. Аммо ҳалигача иссиқлик тармоғи ва сув қувурларини алмаштиришга киришилмаган. Иккинчи уй томини эса ўз кучимиз билан бир амаллаб қўлдан чиқардик.

Вилоят ҳокимининг «Самарқанд шахри халқ хўжалигини 2002-2003 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги қароридан ўтган йили шахардаги 917 та кўп

қаватли уй куз-қиш мавсумига ўз вақтида тайёрланмагани сабабли, аҳолидан ҳақли эътирозлар тушгани кўрсатиб ўтилган эди. Мазкур ҳужжатда, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кўп қаватли уй-жойларнинг ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш вазифаси шахардаги бир қатор корхона ва ташкилотлар зиммасига юкланган. Жумладан, «Самандар» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 77-уйни «Эталон» заводи таъмирлаши керак эди. Афсуски, белгиланган муддатдан бир ойдан ортиқроқ вақт ўтсада, бу корхона раҳбарияти ҳатто ишни бошлаш ҳақида ўйлаб кўргани ҳам йўқ.

Шу мавзелада «Давр» уй-жой мулкдорлари ширкатидаги эса ҳомийлари — «Гушсавдо» базаси саховатидан қачон баҳраманд бўлишларини фақат орзу қилиб юришибди. Аммо гўё мазкур база учун вилоят ҳокимининг қарори аҳамиятсиздек...

Ғарчи бу ҳақда, Богвишомол тумани ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги ҳудудий



ИДБ НОТИЦИ

коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва «Давр» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан база раҳбариятига ёзма равишда эслатишган бўлса-да, ҳомий ташкилот ишга киришини ҳамон пайсалга солаётди.

Юқоридаги икки мисолнинг ўзиёқ «Сортепа» мавзесида киш мавсумига ҳозирлик кўнгилдагидек эмаслигиндан далолат бериб турибди. Сортепаниклар эса ҳозирдақоқ газ босимининг пасайиб кетётгани, электр қувватининг тез-тез узилишини шикоят қилишяпти...

Яна бир гап. Ўтган

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Асака консерваси

бугун чет эл инвесторлари ёрдамида хорижга чиқмоқчи

Бундан уч йил муқаддам Нафкат Фаргона водлики, балки республикамизнинг кўплаб ҳудудларида етиштирилаётган мева ва सबзавот маҳсулотларини қайта ишловчи «Асака» мевасабзавотларини қайта ишлаш акциядорлик жамияти инқироз ёқасига келиб қолган эди. Шунда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, «Вержест ЛТД» Америка корпорацияси ва мусасис — республикамиз пойтахтидаги «Узбексесро» қўшма корхонаси (уша жамият акциядорлигининг 51 фоиз улуши унга тегишли) ўзаро ҳамкорликда уни хусусийлашти-

риб олди. Шу мақсадда қарийб 130 миллион сўм сарфланди. Яқин кунларда эса яна 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфлаган ҳолда, янги корхонани юқори технология усуллар билан таъмирлаш, шу орқали жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Айтиш керакки, ҳозирги кундаёқ Асака заводининг биринчи линиясида томат пастаси ва мева ҳамда सबзавотларнинг мурраббосию ичимлиги ишлаб чиқаришда. Аммо бутунти куннинг вазифа-

си шуки, уларни сифати ва қалоклини жиҳатидан жаҳон андозларига тенглаштириш керак.

— Бунинг учун корхонада маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлашни хориж технологиялари асосида музлатгичлар билан жиҳозлаш талаб этилади, — дейди «Вержест ЛТД» корпорациясининг ишончли вакили, «Узбексесро» қўшма корхонасининг бош директори Фарҳод Мирзаамедов. — Бугун ишонч билан айта оламаники, бу завод келгуси йил мавсумига чойнақ қуввати даражасига чикидаи ва замонавий фан ва техника ютуқла-

рига асосланган ҳолда тез музлатувчи қурилмалар ёрдамида сифатига мутлақо таъсир қилмасдан, узоқ муддат сақлаш имконини берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлайди. Айни чоғда бу корхона Асакадаги қарийб 800 аҳолини иш билан таъмирлаш имконини беради.

Шу ўринда яна бир афзаллик ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Андижондаги фермерлар ва лехқон хўжаликларини энди маҳсулотларини ташқиш муаммоси ҳақида ўйламайдилар. Корхона шартнома асосида мазкур ишни ўз зиммасига олади. Бир сўз билан айтганда, республикамиздаги янги Асака консерва заводи ўзининг янги технологиялари билан агросаноатимиз салоҳиятини янада юксак поғонага кўтариш учун хизмат қилади.

А.ҲОТАМОВ, «Народное слово» мухбири.

Сўнги воқеаларни олайлик. Қозғонистон билан давлат чегаралари тўла делимитация қилинди. Яқинда ўтган Душанбе саммитида Узбекистон-Тожикистон давлат чегараларининг делимитацияси ҳақида ҳужжат имзоланди. Шу билан 1283 километрик чегаранинг 1050 километрик қисмини белгилаш ишлари ниҳоясига етди. Қолган иш ҳам қисқа фурсатда яқунлаштига шубҳа йўқ. Буни эслаганимизнинг сабаби Президент Имом Каримов шундай ташаббус муаллифи эканлигидир. Мустақилликнинг биринчи амалий рамазларидан бири давлат чегараси экан, уни аниқ белгилаб олиш ва ўзга давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурматлаш керак. Иккинчидан, қўшни мамлакатлар ўртасида чегара муаммолари «кескин» эканлигини бўрттириб шарҳлайдиган, ҳалқлар орасига нифоқ солишга интиладиган айрим оммавий ахборот воситаларига биргаликда зарба бериш зарур.

Узбекистон минтақа ва дунёда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, барқарорликни мустақамлаш борисида ҳам кўп ташаббусларни илгари сурган.

Хўш, барчага аён ҳақиқатларни яна бир қарра энкр этишдан мақсад нима? Мақсад дунёдаги ўзгаришлар Узбекистон нукта назарига, оид сиёсатига ҳаммоҳид бўлиб қолган ҳозирги шароитда юртимиз нуфузи ошгани тасодифий ҳолат эмас, балки ўзига ҳос табиий зарурат эканлигини таъкидлашдир. Зеро, хайри ташаббус албатта амалда ошиши мукярар эканлигини эслатиб туриш ҳам фойдалан холи эмас.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Миллий матбуот марказида кучли органик флосантриручи моддаларни кўпайтириш олдими олишга оид Стокгольм конвенциясининг мамлакатимиз учун очадиган истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Узбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма атроф-муҳит дастури ва Табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Атроф-муҳит мусатфро бўлсин

Айтиш жоизки, хлорорганик элементлар таркибига кирувчи пестицидлар — алдрин, диедрин, гептахлор ва бошқа заҳарли моддалар очик ва қаровсиз қолса, турли йўллар билан кенг тарқалиб, атроф-муҳит мусатфролиги ва инсон саломатлигига жиддий хавф тудиради. Саратон касаллиги келиб чиқиши, болаларнинг нуқсонли туғилишига олиб келади.

2001 йилда Швеция пойтахти Стокгольмда бўлиб ўтган жаҳоннинг тўқсондан зиёд давлати ва Европа ҳамжамияти иштирокидаги анжуманда қабул қилинган мазкур конвенцияда ана шундай салбий илдатларга олиб келадиган уш икки турдаги кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ва қўлаш таъқиқланди.

Ҳозиргача 153 мамлакат конвенцияга қўшилган, 21 давлат уни ратификация қилган. Мазкур халқаро ҳужжати ратификация этган давлатлар сони элликка еттич, у кучга кирди. Конвенцияни имзолаган ёки уни қўшилган давлатлар мамлакатдаги кучли органик флосантриручи моддаларнинг тарқалиши олдими олиш миллий стратегияси ҳамда иш режасини ишлаб чиқиши лозим. Бунинг учун Глобал экологик жамғарма 500 минг АҚШ доллариғача молиявий ёрдам ажратди. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида ҳам ушбу туркумга кирувчи пестицидларнинг айримлари қўлланди.

Мутахассислар ва кент жамоатчиликни мазкур конвенциянинг аҳоли саломатлиги ва экологик муаммоларнинг олдими олишдаги аҳамиятидан хабардор этиш мақсадида ташкил этилган семинарда шу хусусда сўз юритилди. Узбекистоннинг мазкур конвенцияга қўшилиши пестицидларнинг ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган зарари молдаларни аниқлаш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг батомом туғатишга йўл очди. Шунингдек, заҳарли кимёвий дорилар ўрнига безарар воситалар ишлаб чиқариш учун чет эл сармоясини жалб этиш имкони тузилди.

Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

Адолат — бош мезон

Адолатли жамият, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги билан боғлиқ масалалар кеча ёки бугуннинг муаммоси эмас. Ер юзиди инсоният пайло бўлибдики, эркинлик, овоз яшашга, ўзининг табиий ҳуқуқларига тўла-тўқ эришишга интилган.

Қабул қилинганнинг тарихий 10 йил тўлаётган Бош қомусимиз бутун мазмун-моҳияти билан адолатли, инсонпарвар ҳуқуқий-демократик жамият бўлиб эшитиш мақсад қилиб олган давлатимиз қонунчилигининг — адолат мезони бўлиб келаётгани асло муболағга эмас.

Адолат — инсониятнинг қадимий масалаларидан бири. Жамиятнинг инсонпарварлик ва демократияга асосланган тамойилларини белгилайдиган бирдан-бир мезон ҳам адолатдир.

Бу борада, яъни адолатга салоқат ботида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз дунёдаги жамики ҳўкмдорларга намуна бўлганлар ва адолатни ўз ҳаётларининг устувор широгига айлантирганлар: «Пирим менга муноқоқ ёздики, аларким, Худо ва Ра-сулнинг ҳарамиди Худонинг неъматини бе, Худо мулкида адолат бил иш қилгим, мулк боқий қолур ва зулм фойдала оламаз ул улдукрим қабиҳа феъллар ва шайғига амалларини Худо мулкидан қўпориладим, ямон феъллар оламаз ул асарини қилдукрим ямон газо баланди қилур... Чун пирим номаси манга ештиши Худо мулкин зolim ва қуффор ва муҳид ва мунофиқ ва фосиқ ва фожирлар чангидан чиқариб олим».

Ушбу иқроннома ҳам ҳазрат Амир Темур умир бўйи адолатга суяниб давлатни бошқарганини тасдиқ этади. Зеро, «Куч — адолатлаир» деган шикматни ҳам Соҳибқирон айчаини айтмаганлар ва ўзлари ҳам Адолатга, фақат Адолатга бўйсуниб яшаганлар.

Республикамиз Президент Имом Каримов бой тарихимиз сабоқларига таяниб: «Халқимиз вақтинчалик қийинчиликларга чидаши мумкин, аммо яна қайтараман, у адолатсизликка ҳеч қачон чидамайди! Агар масъул вазифада ўтирган амалдор бунни унутиб қўйса, у пойдевори нураб кетган уйда ўтирган одамлар фарқ қилмайди» деган эдилар. Юртбошимизнинг қуюнчаклик билан айтган сўзларидан ҳам кўриниб турибди-

ки, бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари, амалдорлар ва фуқаролар адолатпарвар бўлишлари, барча соҳаларда лозимо унга амал қилишлари керак.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Узбекистон Конституцияси Асосий Қонуни сифатида ҳуқуқий ислоҳот-



Адолатли жамият қанчалик бўлмасин ҳеч бир замонда, давлат ва жамиятнинг бутун жаҳдаларини мутлоқ қамраб олиши осон эмас. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса маълумки, қаерда ҳуқуқий-демократик жамият тамойиллари асосида давлат тузumi йўлга қўйилган бўлса, уша ерда адолатпарвар жамият, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ўзининг нисбатан тўлақонли бўй-бастини намойён этмоқда.

Шуни айтиш керакки, Узбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ деярли барча асосий қондиларини ўзида акс эттирган. Чунончи, Бош қомусимизнинг иккинчи бўлимидаги VII боб ва 35-моддасида фақат фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисида гап юритилди. Конституцияимизнинг барча талабларига жавоб берадиган ва унинг қондиларини ҳаётага таъбиқ этишга қўмақлашувчи инсон ҳуқуқларига доир юздан ортиқ қонун ва турли ҳужжатлар қабул қилинди. Президент республикамизда амалга оширилаётган барча иқтисодий, демократик ва сиёсий ислоҳотларнинг асл моҳияти инсон учун, унинг фойдалиги учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилганлигини қайта-қайта уқтиратганликлар ҳам бежиз эмас, албатта.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси буюк ўзгаришлар натижасида дунё юзиди кўрган тарихий ҳужжатлар. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мустақиллик пойдевори ҳисобланмиш ушбу Асосий қонунимиз адолатпарвар бўлиб давлатчилигини бунёд этишда бош мезон бўлиб қолаверди.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти.



Қўзон электромаш хиссдорлик жамияти Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берадиган жамоалардан ҳисобланади. Мазкур корхона автомобиллар учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаш бошланган сўнг, йилга 200 минг АҚШ доллари миқдоридagi валютани тежаси имкони бери. Масаланинг муҳим томини шундаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган 15 хилдан ортиқ бутловчи қисмларнинг барчаси муҳандис-техникларнинг тиҳимсиз меҳнатлари тўғрисида маҳаллий ҳомашедан тайёрланмоқда. Албатта, хиссдорлар бу билан чекланиб қолганича йўқ. Халқ хўжалиги тармоқларига ўндан ортиқ турдаги электр жиҳозлари, маиший хизмат буюмлари етказиб берапти.

СУРАТДА: корхона раҳбари Шарофиддин Соҳибназаров чилангар Абхамжон Яҳёев билан. Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 12 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўзма нисбатан куйидаги қийматини белгилади: *

1 Австрали доллар	499,62	1 Исландия қронаси	10,35	1000 Туркия лираси	0,55
1 Англия фунт стерлинги	1409,25	1 Канада доллари	566,06	1 Швейцария франки	613,85
1 Дания қронаси	120,77	1 Ҳитой юани	106,99	1 ЕВРО	896,79
1 БАА дирхам	241,11	1 Малайзия рингити	233,07	10 Жанубий Корея вон	7,38
1 АҚШ доллари	885,54	1 Польша злотийеси	227,79	10 Япония йенаси	74,09
1 Миср фунти	191,26	1 СДР	1184,19	1 Россия рубли	27,87
				1 Украина гривнаси	166,13

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Аёл фарзанд билан тўқис, фарзанд билан бахтли. Фарзанд рўзгордаги кемтикни тўлдириб турадиган, муносабатларни мувофиқлаштирувчи неъмат. Шунинг учун ҳам ёш келин-куёвларга «ўзингдан кўпайгин», деб тилак билдирилади. Катталар учрашиб қолганларида «мол-дунёнинг омонми?» дейишмайди, балки «бола-чақанг омонми?» — дея ҳол-аҳвол сўрашилади. Уғил-қизим орқамда қолиб, чирогимни ёқиб ўтирсин» — бу ҳар бир ота-онанинг доимий тилаги.



Фарзанд билан тўқисдир аёл!

Бизнинг тиббиётчилари доктори, Тошкент шаҳар шифокорлар малякисини ошириш институти гинекология ва акушерлик кафедраси муdiri Мунира Асадова билан суҳбатимиз ҳам она-бола мавзусида бўлди. Олимнинг номзодлик иши ҳам, докторлик иши ҳам оналар ва болалар соғлиги билан боғлиқ. Қатор халқаро конференцияларда ўқиган маърузалари ҳам шу ҳақда. «Аёл соғлом бўлса, жамият гўзал бўлади», деган гапни шогирдларига, талабаларига, беморларига бот-бот эслайтиб туради. Узини эса аёллар хизматидаги аёл, деб таърифлаш мумкин.

— Ҳамма нарса онадан бошланганда, онада тиббий маданиятни оширишни кашфиёт бўлмаса ҳам ислоҳ дейиш мумкин, — дея сўз бошлади Мунира Юсуповна.

— Давлатимиз бу масалада катта дастурларни амалга оширмоқда. Соғлом авлод,

аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва онада тиббий маданиятни шакллантириш масалалари бундан доимий фаолият кўрсатувчи ҳукумат комиссияси ишлаб турибди. Аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик ва соғлом оналини шакллантириш соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ишчи гуруҳининг доимий назоратида. Лекин ҳар бир одамнинг саломатлиги биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқ. Дейлик, ёшгина аёл туғиш пайтида ўлади. Унинг қариндош-уруғлари бунда акушер-гинекологни айбдор деб билди, жанжал кўтаришади. Текшир-текшир бошланади. Маълум бўлишича, аёл ҳомиладорлик пайтида бирор марта шифокорга кўринмаган, аёллар маслаҳатхонасига ҳам бормган. Ваҳоланки, унда сурункали буйрак хасталиги бўлган. Хасталик туғиш пайтида панд беради. Қанча елиб-югуришмасин, шифокорлар

ҳам ожиз қолишади. Агар аёл ўз вақтида шифокорга учраб, муолажа олганида бемалол туғиб олган бўларди.

— Энди бевосита янги дастур — «Бехатар оналик» хусусида фикрлашсак.

— ЮНИСЕФ доирасидаги ушбу дастурга биноан акушерлик-гинекологлар ишлари тўдан ўзгариши керак. Шу пайтгача биз фақат туғиш ёшидаги аёллар муаммоси билан шуғулландик. Энди эса ишнинг онадан, қизлар саломатлигини мустаҳкамлашдан бошлашимиз. Аёлнинг онги ва тиббий маданиятини ошириши, юксак тиббий хизмат кўрсатиши йўлида қадам ташланади. Оилавий поликлиникалар, қишлоқларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Умумий амалиёт шифокорлари тайёрланмоқда. Илгари ҳомиладор аёлни туққунига қадар терапевт-шифокор бир марта кўради, холос. Ҳозирда аёл акушер-шифокорга неча бор

келса, терапевт ҳам уни шунча марта назорат қилади.

Ҳомиладорлик даврида организмда физиологик ўзгаришлар содир бўлади. Бунинг аёл албатта билиши керак. Ҳомиладорлик 6 минг соат (40 ҳафта) давом этади. Шу муддат ичида аёл шифокорга 20 марта келиб-кетиниши зарур. Сўрадан вақт ажратса, жами 12 соат бўларкан. Ўз соғлиги учун 6 минг соатнинг атиги 12 соатининга сарф этиш ҳеч бир аёлга малол келмаса керак деб уйлайман.

— Дастурдан қайнона, эр муносабатлари ҳам ўрин олганми?

— Албатта. Аёлнинг ҳомиладорлик даврини нотўғри тушуниган эр, қайнона туғилган оналарда жанжаллар бўлиб туради. Қошқийди, бу жанжаллар фожиага олиб бормаса. Яқинда Сирғали туманида бир воқеа юз берди. Келин-чак ҳомиладорлигида қон (анемия), оқсил моддалари ка-

майиб кетган, оёқлари шишган. Шифокор туғуруқхонада ётиб даволангана, қайнона менга ким оқат қилиб берди, биз ҳам шунча туққанмиз, сиз ҳам туғиб оларсиз, деб эътироз билдирган. Дори-дармонга кўп пул кетади деган. Эр бирор фикр билдиришига ботинолмаган. Хуллас, ойкунни яқинлашганда шифокорга олиб келишунча аҳволи оғирлашган. Боласини ериб олди. 10 кун аппаратда ётди.

— Аёлни қулай шартларда туғдириш усули ҳам дастурда бор экан. Бунинг қандай тушуноқ керак?

— 70 йилдан бери биз белгиланган тартиб-қоида асосида ишлаб келидик. Масалан, ёқадими-йўқми, аёл туғиш столида туғиши керак. Мутахассислар фикрича, аёлга туғиш пайтида ёқмаган нарса туғиш жараёнига салбий таъсир қиларкан. Тўлғоқ тўхтаб қолиб, ноҳуш ҳолатлар юзга келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас экан. Шунинг учун энди аёл туғуруқхонада, бироқ ўзига қулай ҳолатда туғдириши керак. Хоҳласа столи, хоҳласа кроватда. Момоларимиз айтишади-ку, туққанмида ёнимда чолим турарида ёки дархат шоҳига осилиб туққанман деб.

Шунингдек илгари 40 ҳафтадан сўнг туғуруқ бошланмаса, тезлатувчи муолажалар қўллардик. Бугун бола соғомон бўлса, хавфли белгилар бўлмаса, ўзини қўйиб берамиз. Албатта қатъий назорат қилиб туриш шартли бўлган.

«Бехатар оналик» дастури ҳозирда Андижон вилоятининг Бўё, Балиқчи туманларида, Тошкент шаҳридаги 1-перинатал марказда амалиётда қўлланилмоқда. У босқичма-босқич амалга ошириб борилади.

Хуллас, дастур она ва бола соғлигини тўлиқ ҳимоялайди. Суҳбатимиз тугаб, Мунира она билан хайрлашарканман, оламнинг ҳам, аёлнинг ҳам фарзанд билан гўзал ва тўқис эканлигини ҳис этдим.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АҚШ: РЕСПУБЛИКАЧИЛАР МАВҲЕИ ЮКСАЛМОҚДА

АҚШ Конгрессига бўлиб ўтган сайловда Демократик партия жиддий мағлубиятга учраган эди. Ҳозирги вазият партиянинг бошқарув таркибига ўзгариш киритишни тақозо этаяпти. Шунданми, Вакиллар палатасидаги демократлар йўлбошчиси Ричард Гепхардт лавозимидан кетишини маълум қилди.

Гарчи Р.Гепхардт Конгресснинг январда иш бошлайдиган янги қақирини сафидан қолса-да, у энди Вакиллар палатасида демократлар фракциясига раҳбарлик қилмайди. Бу ўрин учун Нэнси Пелозо билан Мартин Фрост ўртасида алдақон кўраш бошланган. Партияда икки даъвогарнинг ҳам оёғири катта.

Кузатувчилар таъкидлашича, Р.Гепхардтнинг кетиши сиёсатни бунундай тарқ этишни аналитлайди. Аксинча, у 2004 йилги президент сайловидан иштирок этиш ишонига эга бўлади. Мамлакатдаги таниқли коммушунослардан бири ҳисобланган Ричард Геп-

хардт аввалдан Оқ уйга қизиқишини иширмай келди. Лекин у бу борадаги режаларини ҳали ошор қилганича йўқ.

Умуман, ўтган сешанба кунги сайлов демократлар учун ҳақиқий мағлубият бўлди, дейиш мумкин. Республикачилар нафақат ўзлари ҳукмронлик қилаётган Сенатда кўпроқ ўринга эга бўлди, балки демократларнинг назорати остида бўлган Вакиллар палатасида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришти. Бунинг устига, АҚШ штатларида губернатор сайловлари бўлиб ўтди. Бу жабҳада ҳам демократларга осон бўлмади. Республикачилар 50 штатнинг илгирма бештасида ўзлари учун губернаторлик курсини ташминлади. Демократлар эса ҳозирча 24 штатнинг бошқарилган бўлди. Талаш бўлиб турган Алабама штати губернаторлиги ҳам республикачилар фойдасига

ҳал бўлиши мумкин. Қўри-ниб турибдики, демократлар партияси Алабамага раҳбарликни қўлга киритганига республикачилар билан тенгликни сақлай олади.

Кузатувчилар республикачиларнинг муваффақиятларига АҚШ маъмуриятининг катта галабаси, деб қарамоқда. Зеро, президент Жорж Буш республикачилар партияси вакили ҳисобланади. Ҳозир АҚШ Конгрессидан, Оқ уй ҳам «Буюк кекса партия» назоратга ўтди. Бу Жорж Буш юритаётган сиёсат Конгресс томонидан қўллаб-қувватланишини ташминлайди.

Оқ уй расмий вакили Ари Флайшернинг таъкидлашича, президент Жорж Буш партиядошлари кўпчилигини ташкил этадиган янги Конгресс билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ниятида. Бу ҳамкорликдан қўлланган асосий мақсад эса мамлакатнинг хавфсизлигини ташминлаш ҳамда АҚШ иқтисодий ва янада мустаҳкамлашдан иборат.

Санджурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Халқаро анжуман

Женевада Биологик ва токсикологик курулларни тақиқлаш конвенциясига аъзо давлатларнинг бешинчи конференцияси иш бошлади. 2001 йилнинг 7 декабрида конференция иши бошқа пайтга кўчирилган эди.

«Рейтер» агентлигининг хабар қилишича, бунга иштирокчиларнинг қабул қилинади-ган яқуний декларация лойиҳаси бўйича бир тўхтамага келишолмагани сабаб бўлган эди.

Анжуманда 70 дан зиёд давлат вакиллари иштирок этишмоқда.



Торнадо

Американинг Теннеси ва Огайо штатларида рўй берган қуон оқибатида 10 нафарга яқин киши оламдан кўз юмган ва ўнлаб кишилар жароҳатланган. Минглаб кишилар эса чирокларсиз қолган.

Метеорологларнинг айтишича, шамолнинг тезлиги соатига 225 километрини ташкил қилган уйлари устки қисмини учириб юборган, автомобильлари агардан ва электр симларини узган.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига кўра, Огайо штатида ҳам шундай ҳолат юз берган ва кучли дўл ёққан.

Вазирнинг таъкидлашича...

Исроил ташки ишлар вазири Бенямин Нетаньяху Фаластин раҳбари Ёсир Арофат бошчилигидаги «террорчилик режим»ни мамлакатдан чиқарилиб юборилиши мумкинлигини таъкидлаган. Нетаньяху курулли фаластинлик беш нафар исроилликни отиб ўлдирганидан сўнг бу ҳақда маълум қилди.

«Газета ру»нинг маълумотига кўра, ўтган ҳафтада ташки ишлар вазири этиб тайинланган Нетаньяху ҳукуматни бу ишни амалга оширишига шайли тирмаслигини билдирган.

Ҳукумат истеъфога чиқди

Баҳрайн қироллик ҳукумати истеъфога чиқди.

Истеъфога чиқиш ҳақидаги қарор Вазирлар Маҳкамасининг Манамандаги йиғилишида қабул қилинган. Ҳукумат раҳбари барча вазирларга курсатган фаолияти учун миннатдорчилик билдирар экан, ҳукуматнинг истеъфога чиқиши қиролнинг икки палатали парламенти таркиби эълон қилинишидан олдин амалга оширилганлигини таъкидлаган.

«Ассошейтед Пресс» агентлигининг хабарига қараганда, 25 ва 31 октябрь кунлари бўлиб ўтган сайловлардан сўнг депутатлар кўйи палатаси таркиб топади. Қўри қирол томонидан тайинланади.



Москвада яна террорчилик

Россия Ички ишлар вазири раҳбарияти Москвадаги «Макдоналдс» кафеси олдида содир этилган портлаш «Норд - Ост» театр марказини гаровга олган Мовсар Бараев жангарилари томонидан уюштирилганини таъкидлаган.

Москва ИИББ ҳисоботига кўра, ушбу қўруручилик ИИБ ва Федерал хавфсизлик хизматининг диққатини театр марказидаги террорчиликдан сўсийтиришга қаратилганини билдирган.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига кўра, Бараевга қарашли 10-12 жангари ҳозир озодликда, аммо Москва прокуратураси ушбу портлаш театр марказини гаровга олиш билан боғлиқ эмаслигини маълум қилган.

Турфа олам

Ер сийрасининг икки чеккасида жойлашган мамлакатлар олимлари виртуал равишда кўл олиб кўришишга муваффақ бўлди. АҚШ ҳамда Буюк Британияда фан-техниканинг энг сўнгги ютуғи — виртуал равишда кўл ўшлаши технологияси намойиш қилинди.

БОСТОН ЛОНДОН БИЛАН ҚЎЛ ОЛИБ КЎРИШДИ

Ҳаётнинг энг йирик шаҳарлари бўлиши Лондон ва Бостон олимлари ўртада кўл олиб кўришишга муваффақ бўлди. АҚШ ҳамда Буюк Британияда фан-техниканинг энг сўнгги ютуғи — виртуал равишда кўл ўшлаши технологияси намойиш қилинди.

Ҳаётнинг энг йирик шаҳарлари бўлиши Лондон ва Бостон олимлари ўртада кўл олиб кўришишга муваффақ бўлди. АҚШ ҳамда Буюк Британияда фан-техниканинг энг сўнгги ютуғи — виртуал равишда кўл ўшлаши технологияси намойиш қилинди.

Антиқа жараён тана ҳаракатларини тақрирловчи маъусе мослама орқали амалга оширилди. Маълумотлар юқори тезликда тармоқнинг нариги чеккасидаги компьютерга етиб боради ва ақе таъбир беради.

Мутахассислар компьютернинг таркибий қисми бўлиши «сичқонча»нинг ўрнига кичик бошқарув қурлимасини ишла солиди. Sensable technologies компанияси томонидан яра-

тилган янги механик қўлда қилин қадим шаклига эга мослама ўриштирилган. «Фант» деб аталувчи қадимин киши қўлга одат, у инсон қафти ҳаракатларини илғай бошлайди.

Янги мослама орқали таъриба иштирокчилари бир-бирини бемалол ҳис этиши мумкин. Иштирокчиларнинг барчаси бу фикрнинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлади.

Атлантика океани орқали маълумотлар маъусе кабел ёрдамида ўтказилаётди. Ушбу тармоқ бир сонинда ўн мегабит тезлик билан ахборот ўтказолади.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида ижтимоий плакат жарихида ижод қилаётган ёш рассомлар асарлари кўргазмаси очилди.

Ёш рассомлар танлову

Жорий йилнинг сентябрида АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги ЮСАИД томонидан молияланган хотин-қизлар интратраиниашган ҳуқуқий саводхонлиги Винрок Интернэшнл лойиҳасининг «Маданият» дастури доирасида ёш рассомлар ўртасида ижтимоий плакатлар танловини эълон қилган эди.

Маъзур танловнинг мақсади бадий воситалар ёрдамида аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш масаласини ҳал этишга кўмаклашишдир. Шунингдек, энг яхши плакатларни кўпайтириш, уларни хотин-қизлар ва ёшлар ноҳуқумат нодавлат ташкилотларида, маҳалла кўмиталарида, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида, тиббиёт муассасалари ва бошқа ташкилотларда кенг тарқатиш кўзда тутилган.

Танловда иштирок этиш учун 35 ёшгача бўлган, муайян ижодий таърибага эга ёш рассомлар ҳамда бадий мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртлири талабалари тақлиф этилган. Бугунги кунга келиб танловда турли бадий ўқув муассасалари, рассомлар уюшмалари, ижодий устaxonалар вакиллари бўлган юзга яқин рассом қатнашди.

Танловга ёш мўйқалам усталарининг 80 га яқин асари тақдим этилди. Улардан 42 таси маъзур кўргазма учун танлаб олинди. Кўргазманинг очилишида ёш рассомлар — ижтимоий плакатлар муаллифлари танлову фолиблари тақдирланди.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Навоий шаҳрида «Турон» яққасураши бўйича 1985-1986 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якунланди. Икки кун давом этган беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент

«ТУРОН» ФОЛИБЛАРИ

Тошкент шаҳридан Р.Жўраев, фарғоналик У.Турсунмуродов, хоразмлик Н.Авезов, М.Панаяев, самарқандлик А.Ҳасимов ўз вази тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа мurosасиз курашларга бой бўлди. Қашқадарёлик З.Сатторов, В.Тирқонова, Д.Турақуллова, Ш.Тидонова,

Эркүл УМАР, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

республиканинг турли ҳудудларида амал қилаётган ишлаб чиқариш объектларини сотиб олишга доир тендерда қатнашиш учун потенциал инвесторларни тақлиф этади

Лойиҳа мақсади	Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми	Машина-усқуналар ишлаб чиқарувчи
Андижон вилояти		
Шоколад қиймли вафли ишлаб чиқариш	164 млн. ўрам	«Хаас Ваффельмашина» (Австрия)
Кўй-эчки терисини қайта ишлаш, чарм куртка ва мантол ишлаб чиқариш	450 минг дона қайта ишланган тери ва 450 минг дона куртка	«И-ТАКО» (Туркия)
Минерал сув, ичимликлар қуйиш ва цукатлар ишлаб чиқариш	Мин. сув — 11,5 млн. шиша, цукатлар — 57 тн.	«Альберто Бертуцци С.п.А.» (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	Йилига 1,2 минг тн.	«Тетра Пак» (Швеция)
Қашқадарё вилояти		
Хом сурп ишлаб чиқариш	8 млн. пог.м.	«Текстильмаш» ОТАЖ (Россия)
Навоий вилояти		
Мармар блоklar ишлаб чиқариш	50,8 минг кв/м	«Педрини С.п.А.» (Италия)
Наманган вилояти		
Кўй-эчки терисини қайта ишлаш, чарм куртка ва дублёнка ишлаб чиқариш	100 минг куртка, 70 минг дублёнка	«И-ТАКО» (Туркия)
Хўл мева ва сабзавот шарбатларини халтачаларга қуйиш	307,7 минг халтача	«Пак Лайн» (Исроил)
Вино ишлаб чиқариш	12,6 минг тн.	«Репарасионес Виниколас С.А.» (Испания)
Самарқанд вилояти		
Пайпоқ ишлаб чиқариш	5,2 млн. жуфт пайпоқ	«Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта)
Сурхондарё вилояти		
Пиво қуйиш	700 минг литр	«Сорипари Валлалкозас Кфт» (Венгрия)
Тошкент шаҳри		
Пойабзал ишлаб чиқариш	722,3 минг жуфт	«Гранучи С.Р.Л.» (Италия), «Данисман Макина Санайи» (Туркия)
Боғлаш материаллари ишлаб чиқариш	11 млн. ўрам	«Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта)
Тошкент вилояти		
Оқсил изоляти ишлаб чиқариш	7 минг тн.	«Варта Индастрис Корп.» (Канада)
Боғлаш пойабзали ишлаб чиқариш	110 минг жуфт	«Вега Маркетинг Г.м.б.х.» (Австрия)
Хоразм вилояти		
Эржаklar пойабзали ишлаб чиқариш	810 минг жуфт	«Бернал С.р.л.» (Италия)
Чармин қайта ишлаш	300 минг дона чарм	«Дери Максан», «Оздерсан», «Вилдирим» (Туркия), «Москони & Ко» (Италия)

Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темуэр кўчаси, 101-уй.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,
Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармаси.
Телефонлар: 137-62-75, 137-63-48. www.nbu.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

9,00 дан 18,00 гача

136-09-25
132-10-63

256-хона

«Кариялар — эл фахри, юрт ифтихори» танловига

Кўзиниизга нур бўлайин

Оқ либосли момоларим

Аслан қўша-қариянгиз,
Танишлардан аривангиз,
Ястиқларга суянгиз,
Енингизда суяригиз,
Топган-тутган дунёларим —
Момоларим-момоларим.

Юганида мункулаган,
Хассалари дукулаган,
Оппоқ харир рўмолингиз,
Очгай яна жамолдингиз —
Эй, қадимий барноларим,
Момоларим-момоларим.

Атроф тўла чеварангиз,
Эслатадур ой чехрангиз,
Кизлар сочин тараганим,
Тўйиб-тўйиб қараганим —
Орузлари бажоларим —
Момоларим-момоларим.



Пўлат Мўмин

Буважоним-бувижоним

Сизни қилсам ачам-ачам,
Олаверар диним орым,
Юзларингиз сизабайман,
Сизга қувват тиласайман,
Буважоним — бувижоним.

Кўндир мендай суяригиз,
Майли менга суялингиз,
Кўзингизга қур бўлайин,
Узим минг бор ўзгалайин,
Буважоним — бувижоним.

Юзларингиз чизик чизик,
Эртагингиз қизик-қизик,
Халлалики ўрматдир,
Буважоним-бувижоним.

Энг покка юракдирингиз,
Донликда керакдирингиз,
Барча сиздан хуррам бўзум,
Кўнглигизда байрам бўзум,
Буважоним — бувижоним.



Аҳли дуо кексалар Сиз

Насабингиз, насалингиз пок,
Қонингиз-у аслингиз пок,
Бу кексалар фасалингиз пок,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Айтай қайси сифатингиз,
Бунча ширин сўзбанингиз,
Олай бўлай сўзбанингиз,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Нур ёлғай юзингиздан,
Қулаг кетмас кўзингиздан,
Таълим олдик ўзингиздан,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Нуронийсиз бунчалар ҳам,
Оқ бошингиз бўлмаган ҳам,
Икки дунё бўлангиз кам,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Оҳ, қанчалар қийналгансиз,
Тоблангансиз — чийналгансиз,
Энди эда сийлангансиз,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Мўмин сиздан олай сурур,
Халмшалик бўлинг маъмур,
Фахримни этинг маъмур,
Аҳли дуо кексалар Сиз,
Бошда хумо кексалар Сиз.

Байтлар

Ҳаётдаги асл мазан —
Кексаганди қийналмасан.

Мардлар сақлар юртани,
Кекса обрў-бурдини.

Нима етсин кексаликка,
Чикқандай тоғ-юксаликка,
Кексалар яхши қайтса,
Урили нима айтса.

Ғанинг кучи бебадидир,
Кексанки қандайдир.

Кексаларга дунё ширин,
Алар биласай унинг сирин.

Кексаларнинг сўраманг, ёшми,
Кези келса сизангиз бошим.




Умид ниҳоллари

Юртимиз бўйлаб ўтказилган анъанавий «Умид ниҳоллари» мусобақасининг туман bosқини беллашувлари ниҳоятда етиб бормоқда. Кунга кеча Мирзо Улугбек туманига қарашли 49- мактабда худуддаги 1-4 синф ўқувчиларининг финал учрашувлари ўтказилди.

Туманимизда жами 33 та мактаб бўлиб, шундан 9 та голий жамоа 49- мактабга тўпланишиди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича услубчиси Ғайрат Болтабоев. — Мусобақани ушбу мактабда ўтказилишида ўзига хос маъно бор. Бу ўқув даргоҳида бир неча бор халқаро мусобақаларда қатнашган спортчиларимиз таълим олишди. Уларнинг тадбир очилиш маросимидаги чиқишлари болажонларга иқобий таъсир эттиши, таъбиб.

Туман маорифчиларининг кириш сўзларидан сўнг, мусобақа иштирокчиларига «Умид ниҳоллари» ўйинларининг анъанавий қасамеди ўқиб эшиттирилди:

«Мен барча туман ўқувчи ёшлари номидан биз учун кўрсатилаётган юксак эътибор ва чекис меҳр-қўлбатга, беқеъс ғамхўрликларга жавобан ҳар доим



Болажонлар байрами

аъло ўқишга, намунали худқда эга бўлишга, она-Ватанини жону дилдан севишга, ардоқлашга, унинг фойдали ва азамат ўлоғини бўлишга, жисмонан чиниққан, буюк Амир Темур ўғитларига содиқ, мард ва ёлчил, истиқлолимизни кўз қорачигидай авайлаб асрашга, керак бўлса шу йўлда жонини беришга ота-онам, халқим, муҳтарам Президентим олдига тантанали қасамд қиламан».

Қасамд ўқилаётганда йиғилганлар юзиде гурур, чеҳрасида мағрурлик муҳрлари эди. Болажонларнинг спортга бўлган меҳрларидан масур қиёфа намойён этганларнинг сон-саногини йўқ эди бунда.

Туманининг голий жамоалари иштирокида кечган мусобақа ниҳоятда қизиқарили бўлди. Спортнинг бир нечта турлариде ўз иқтидорларини намойён этиётган болажонлар

орасидан келажакда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон чемпионлари этишиб чиқиши тайин.

Зеро, юртимизда эртанги кун эгаларида кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор ва қўллаб-қувватлаш кишини ана шундай худоса ясашга ундайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

Анжуман

Ҳушёрлик барча учун

Фавқулодда вазиятлар вазирилик маҳалларидан олдин ва ўрта мақсуд ўқув юртлари, касалхона ва ташкилотларда фуқаро муҳофазаси бўйича қатор ўқув, амалий учрашувларни ўтказиб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ҳам «Бўлажак ўқитувчиларга Фуқаро муҳофазаси бўйича таълим беришни ўргатиш» мавзусида ана шундай анжуман бўлиб ўтди. Бундай тадбирлардан қўзланган асосий мақсад аҳоли ва халқ ҳужалиги, ишлаб чиқариш корхоналарда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш, олдинки олиш, ўз-ўзини муҳофиза қилишни ўргатишдан иборатдир.

Мажлислар залида бўлган маърузадан сўнг университет ҳовлисида Фавқулодда вазиятлар вазирилик «Нажоткор» республика қидирув-қутқарув маркази қутқарувчилари хорижий мамлакатлардан келтирилган замонавий муҳандислик техникалари, мақсуд кийим-бошлар, бошқа қутқарув куролларини намойиш этишди ва талабаларга улардан қай тарзда фойдаланиш йўл-йўриқларини кўрсатдилар.

Ифтихор БЕГМАТОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирилик матбуот маркази.

Биз томонларда Чопқиров деган одам бор. Исмлириям Учқурми ё Ўткирми — шунақароқ. Изоралари дашамамли, хизмат машиналари янги бўлгани баробарида ишлари ҳам оғир эмас. Иш столида тўрт соатлаб кроссворд каттакларига шўнғиб кетадилару, шу вақт давомида ҳеч ким у кишини безовта қилмайди.

Жони-диллари — спорт. Чойхонада дам олиш кунлари кунни буйи қимир этмай шахмат сурадилару, оёғим уюшди ё белим оғриди, деб но-

«Серғайрат» одам

димайдилар. Ҳафсала шундай зўр — темирдан.

Утғиз тўрт ёшларини катта тантана билан нишонладилар. Журалирдан бири соғинага келтирган қаддам ўлчатиқ асосини эртасига қўтиқлар-

Катра

рига қистириб чиқдилар. Кечқурун чойхонада тайёрланган ошда улфатларига, бир кунда ўтғиз беш метр масофани босиб ўтибман. Ишонмасаларинг, мана, аппарат, деб мақтандилар.

Чопқировнинг бу гали шарафига улфатлари қалаҳ кўтаришди.

О.УСАНОВ.

Қилмиш-қидирмиш

Қалбакилик фош бўлди

Ширин хаёллар билан йўлда чиққан Фароғатнинг қайфияти чоғ эди. Олиб келаётган юкидан мўмайгина даромад қолса ёмонми? Дори-дармонларининг бир қисмига ҳужжат ҳам тайёрлаб қўйибди. Унинг қалбакилигини ким ҳам сезарди.

Аmmo Каттакўрғон шаҳрида автобусдан тушган чоғи унинг қувончидан асар ҳам қолмади. Рўпарасида туман прокуратураси ҳузуринда солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва Мил-

лий хавфсизлик хизмати туман бўлими ходимлари турарди.

Аниқланишича, Каттакўрғон шаҳридаги «Умид-III» хусусий дори-дармон савдо фирмасида таъминоти бўлиб ишлаётган Ф. Муродова 853594 сўмлик дори-дармонларни тасдиқловчи ҳужжатларсиз олиб келаётган экан. Тошкентдаги хусусий тадбиркорнинг «Тохтаев Р. М.» белгили муҳри босилган ҳужжатга 329 минг сўмлик дори-дармон ёзилганди. Лекин бу ҳисоб-варақа-

си ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Ана шу ҳисоб-варақани Фароғат фойда олиш мақсадида тўлдирганлиги аниқланди.

Туман суди унинг ушбу ҳаракатини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, деб ҳисоблади. Айбига икромлигини, муқаддам судланганини ҳисобга олди. Жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида эътироф этилган 853594 сўмлик дори-дармон давлат эгаллигига ўтказилди. Фароғат Муродова эса бир йил

Абдурашул САТДОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонамиз қаҳрамони — экранда

Тўрт қисмли «Хуршида» телефильмининг бош қаҳрамони балоғат ёшидаги, дид-фаросатли, шаҳарнинг манамен деган қизларидан сира қолишмайдиган, ҳаётдаги ўз йўлини топиб олган қишлоқ қизи. У от минади, трактор ҳайдайди, дала-тузга деҳқон нигоҳи-ла боқди. Хуршида — ишнинг кўзини биладиган тадбиркор, ҳисоб-китобни тўғри оладиган фермер. Танқили ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ва бош режиссёр Шавкат Жунайдуллаев қизнинг гаройиб сепи — фермерлиги, тадбиркорлиги, изланувчи ақли орқали унинг рухий-маънавий оламини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйганлар. Гишт заводи бошлиғи Бексултон (актёр Алишер Ҳамроев) Хуршидани севади. Фермер қиз (актриса Тамара Ҳазратқуллова) ҳам унга бефарқ эмас: йигитнинг қўллаб-қувватлашларини, ўзига беғараз ёрдам бераётганлигини юракдан ҳис қилади. Йигит ҳам, қиз ҳам мулкдорлик жабахисига энди-энди кириб келяпти: бу соҳада уларга на ота-оналари ва на қишлоқдошлари ёрдам бераолди. Изланиш, урганиш, тадбиркорлик машаққатлари уларни ўзаро яқинлаштирди. Хуршида ва Бексултон узукка кўз қўйгандай бир-бирига мос. Лекин олам-олам бўлбодики, севишганлар, маслақдошлар осонликча мурод-мақсадларига етмаганлар...

ХУРШИДАНИНГ СЕПИ



СЕПИ

бир-бирига энд услуби намойён бўлади. Шокалон (артист Муҳаммаджон Узоқов) — шўро боқарувини ўзида мужассамлаштирган раҳбар. У ҳақиқатда омма орасида бўлади, ўзини халқларвар, меҳрибон қилиб кўрсатади. Аслида у байни замонавий Яго: кишилар орасида гумон, ишонсизлик пайдо қилади. Собик раис Хуршидани ҳам, Бексултонни ҳам осмону фалакка кўтариб мақтай беради. Моҳиятан эса у ишбилармон ёшлар пайини қирқашга интилади. Унинг раҳбарлик услубларидан бири ёлгончиликка асосланган. Бу жаҳада у машур Хлестаковни ҳам йўлда қолдириб кетади. Мана, тумонот одам йиғилган. Ҳамманинг диққати Шокалонга қаратилган. Собик раис ёнидан телефонини чиқаради-да, рақамларни терали, одамларга манаун жилмайиб туриб виллот ҳокими исм-фамилиясини тилга олади, сўхбатини бошлайди. Интиланлар ханг-манг бўлиб қоладилару: раис бова кимсан, виллот ҳокими билан тўпла-тўри гаплашяптилар. Ваҳоланки, телефон ёқмаган, ҳоким билан сўхбат қалбаки эди. Бу сирни Хуршидагина билди, эсанаси қотди. Шокалон энгдор ҳақиқий қиёфасини кўрсатмайдиган йилдаб туриб қулади, енгиллиб туриб голийлигини даъво қилади, ичидан қиринди ўғали-ю шох ташлаб, шўх-шўҳ рақе тушади. Узаро сўхбатларини бирини раиснинг хотини (Г.Қаландарова):

«Сиз ур қаватли уйга ўхшайсиз. Қирқ йил сиз билан яшаб араган битта қаватингизни сар-пал ўргандим, — дейди. Раис хоҳоллаб қулади. У на худода, на бандлага, на охи-ратта ишонди. Барча рақиблари билан шу дунёда орани очиб қилиб олишни мақсад қилиб яшайди. Шокалон характери ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, актёр Муҳаммаджон Узоқов ижодининг улкан ютуғи. Мана шу характер фильмадаги ҳодиса-воқеаларни умумлаштириб туради. Хуршида, Бексултон сингари қаҳра-

монларни оғоҳ бўлишга ундайди. Хуршида ўзи сезмагани ҳолда собик раисдан курашчанликни, мақсад сари интилишни ўрганади. Шокалон билан курашда чиниққанлиги бос йўл-йўлақай келган тафтишчи текширувчилар қовушини тўғрилаб қўяди. Дарвоқе, фильма тадбиркорлар йўлидаги катта тўсиқ — банк, пул олди-берисни масалалари салпаб кўрсатилди. Иккони бўлса, шу индигитни чуқурроқ ёритиш жоиз эди.

«Хуршида» телефильмида Тағоб қишлоғи аҳли, «Кўк дала» фермаси, гишт заводи ишчилари фаолияти тасвирланган. Демократизм, фильмада ҳаёт аслича: тала-ғовури, мураккаблиқлари, етишмовчиликлари билан акс этирилган. Тўй саҳнаси, асқиячилар пайрови табиийлиги билан эътиборга молик. Лекин, афуски, буюзи персонажлар руҳияти, бетакор ўғлини етарлиқ очилмаган. Унбоши фильмадаги жиддий тинимсолдан бири. Қолаверса, кимсан Шокалон раис икки гапининг бирини: «Дўстим Унбоши, Қаландарим Унбоши» деб туради. Бексултондай тадбиркор йигит Унбошининг пушти камариндан пайдо бўлган. Лекин Унбошидаги ўзига хослик, бетакорлик еритилмаган. Иноят ая тимсолида ҳам аниқлик, бетакорлик кўриниб турмайди.

Фильма Хуршидаю Бексултонлар изидан келатган авлод — Умида, Баҳромлар тимсоли берилган. Муборак Ашурбоева, Илҳом Муҳаммадиброҳимов ўз қаҳрамони руҳининг ёритишга ҳаракат қилган. Ижро этилган қўшиқлар (Д.Омонуллоева мусиқаси, Усмон Қўчқор шевъри) фильми жозибасини оширган. Фильмининг ютуғида оператор Абдуҳаким Қориев, бастакор Владимир Баромников ва бошқа иқобий ходимларнинг хизмати катта.

Хуллас, «Хуршида» замонамиз ҳаётини, интилишларини, қалбни ишонари тасвирлаб берган фильми сифатида элта манзур бўлади, деган умиддамиз.

Абдуғафур РАСУЛОВ.

БОБУР ҲАҚИДА ЯНГИ АСАР

Деҳли шаҳридаги Ҳиндистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари, доктор Қамар Рансинг «Заҳридин Муҳаммад Бобур: шахс, шахсият ва шеъринг» китоби урду тилида нашрдан чиқди.

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ушбу китобнинг тақдирот маросими бўлди.

— Бобур салтанати замонида Ҳиндистон тарихида янги, юксалиш дари болганган, — дейди китоб муаллифи. — Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда беқеъс бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Уларнинг энг юксак қизматларидан бири шундаки, бу сулола вақиллари Ҳиндистоннинг бирлаштириб, ягона давлат барпо этган. Маъмур китобда эса Бобурнинг шеърини соҳасидаги буюк хизматларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Китобда шoir газал ва рубоийларидан таржималар келтирилган.

Хўлқор СОДИҚОВА,
УзА мухбири.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАГА қуйдаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- Тупроқшунослик
- Агрофизика ва агротупроқшунослик.

Қабул муддатини оғмоқ чоғ эътиқоб қўлиб бонқаб — 1 ой.

Қабул «Узлуқсиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисидаги» низом асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Камарнисо кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 46-02-63, 46-09-50.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲХОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Манаоват ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Йилликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртага Г — 977,
27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Т. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНОҚУЛОВ.
Мусаҳҳах — Ш. МАНРАҲБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш — 22.20
1 2 3 4 5 6